

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 134 (9.937)

2003 йил 10 июль

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Қисқа сатрларда

□ **БУГУН** Бектемир туманида жойлашган «Гольф» клубида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ва туман бандлик хизмати ҳамкорлигида тумандаги олий ўқув юртлири битирувчилари билан учрашув ўтказилди.

□ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Электромагнит мослашув маркази»да «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан «Ўзбекистон — ахил оила» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

□ **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Шарк» маҳалласида маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида бўлиб ўтган «Жамият ҳаётида маҳалланинг ўрни» мавзусидаги анжуман «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

□ **ЮНЕСКО** ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ташаббуси билан «Аёлларнинг жамиятдаги ўрни» лойиҳаси асосида кино-санъаткорлар томонидан яратилган «Аёл зоти» фильмининг янги сериялари намойиши санъат шинавандаларида илқ таасирот қолдириди.

□ **2-ТОШКЕНТ** Давлат тиббиёт институтида «Табобат диантологиясининг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Саломатлик — энг катта бойлик. Буни дилдан ҳис этган пойтахтимиздаги «Ўзкимёфарм» акционерлик жамияти доришунослари инсонлар саломатлигини мустахкамлашда, соғлигини тиклашда асосатдаги дори-дармонлар тайёрлаш йўлида изланишмоқда.

СУРАТДА: хапдори ишлаб чиқариш цехи технологи Дилором Абдувоҳидова ва иши Муборак Алимова бемор дардига малҳам бўладиган дори-дармонларни сифатли тайёрлашга муҳим эътибор қаратишади.

Сергей Любич олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ:

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

9 июль кунни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга жорий қилишни қўллаб-қувватлаш лойиҳаси иккинчи босқичининг тақдироти бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Шериклик ва ҳамкорлик битими котибияти томонидан уюштирилган тадбирда мазкур битимни ҳаётга татбиқ этишга ва Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши бўйича музокаралар жараёнига дахлдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Ҳозир Европа Иттифоқи комиссияси ЕуропаИд дастури доирасида Шериклик ва ҳамкорлик битимини ҳаётга жорий қилиш лойиҳасининг иккинчи босқичини амалга оширмоқда. У мамлакатимиз вазирлик ва идоралари билан Еврокомиссия ташкилотлари ўртасида Ўзбекистондаги қонунчиликни Европа Иттифоқи қонунчилигига яқинлаштириш борасида икки томонлама алоқаларни таъминлашга кўмак беришни кўзда тутди. Бу борада парламентларо ва сиёсий мулоқотларни кенгайтириш, ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик, молия, савдо ва сармоя бозорини ривожлантириш чораларини ишлаб чиқиш ма-

салаларида икки томонлама алоқаларни қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирдан сўзланган мақсад иштирокчиларни мазкур битимни ҳаётга жорий қилиш жараёни ҳамда унинг қондалари билан атрофда таништиришдан иборат. Шу мақсадда Шериклик ва ҳамкорлик битими котибияти мутахассислари лойиҳани амалга оширишда танланган стратегия ва эришилган ютуқлар, лойиҳанинг биринчи ва иккинчи босқичлари, ЕуропаИд дастури фаолиятининг асосий йўналишлари, жумладан, Ўзбекистон қонунчилигини Европа Иттифоқи қонунчилигига яқинлаштириш, савдо сиёсати ҳамда маъмурий ислохотларга атрофда тўхтади.

Тадбирда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда танлаган умумий стратегияси, Шериклик ва ҳамкорлик битимини ҳаётга жорий қилишнинг ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган механизмлари ҳақида кенг маълумот берилди.

(ЎЗА)

XXI саҳоси

Барча маълумотлардан олган сўзги хабарлар

Мамлакатимизда

- Тошкентда икки томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Қирғизистон ҳукуматлари қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.
- Бекobodдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг олти ойлик иш якунларига бағишланган йиғилиши ўтказилди.
- Чуст туманида «Голден Фрут» номли янги Ўзбекистон - Швейцария қўшма корхонаси фаолият бошлади. Ушбу корхонада мамлакатимиз ноз-неъматлари қайта ишланади ва маҳсулотларининг катта қисми ташқи бозорга чиқарилади.

- Андижон вилоятининг Жалакудук туманида «Айимтекстиль» Ўзбекистон - Хитой қўшма корхонасида технологик асбоб-ускуналарни ўрнатиш ишлари якунланмоқда. Ушбу корхона йилга 4365 тонна калава ва 4200 тонна трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватига эга.

- Бухоро шаҳридаги «Семур» спорт мажмуида мамлакатимиз енгил сановати тизимидан корхоналарда ишлаб чиқарилган спорт кийимларининг ярмаркаси бўлиб ўтди.

- Мирзачўл туманидаги «Галаба» фермер хўжалигида кунга 50 тоннагача ун ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди.

Жаҳонда

- НАТО бош котиби Жорж Робертсоннинг Қозғистон ва Қирғизистонга уч кунлик ташрифи давом этмоқда. Ташриф дастуридан ҳар иккала давлат Президентлари билан учрашиш ўрин олган.

- Либерия Президенти Чарльз Тейлор мамлакатга халқаро тинчлик кучлари келганидан сўнг ўз лавозимидан воз кечишга ва юртидан чиқиб кетишга тайёр эканлиги ҳақида баёнот берди.

- Россия ва Франция ҳукуматлари Эронни халқаро инспекторларнинг мамлакатда кенроқ ва чуқурроқ текширув ўтказишларига имкон берувчи БМТнинг қўшимча протокоliga имзо чекишга чакирди.

- Кобул шаҳридаги Покистон элчихонасига маҳаллий халқ томонидан ҳужуғ уюштирилиб, бино ойналари синдирилганиги сабабли Исламобод ўзининг дипломатик ваколатхонасини ёпди.

- Бангладешда 750 нафар йўловчи бўлган дарё паромининг тўнтарилиб кетиши натижасида атиги 220 киши қутқариб қолинди, колган йўловчиларнинг тақдирини ҳозирча номаълум.

ТАНЛОВДА 74 НОМЗОД

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси ва тавсиялари билан ёш истеъдод эгаларининг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инобатга олиб, ўзининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган, ирода ва имон-эътиқодини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида «Нихол» мукофоти таъсис этилган эди. Бундан мақсад — халқимиз орасидан етишиб чиқаётган ёш санъат гўнаҳарини ҳар томонлама асраб-авайлаш, уларнинг истеъдод имкониятлари тўла рўйга чиқишига кўмаклашиш, юксак поғоналарга эришиши учун замин яратишдир.

«Нихол» мукофоти билан энг муносиб, умидли ёшларни тақдирлаш учун танлов кенгаши тузилиб, Юртбошимиз тақлифи билан унинг таркибига танлики санъаткорлар қатори бугунги эстрада юлдузларимиз ҳамда ҳоржий ва республика мусиқа танловларида истеъдоди эътироф этилган ёш санъаткорлар киритилган эди.

Маданият ишлари вазирлигида кенгаш аъзоларининг «Нихол-2003» мукофотида номзодларни кўриб чиқиш ва мукофот топшириш маросимида бағишланган тантангага тайёргарлик кўриш бўйича йиғилиш бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари эстрада ҳамда академик, анъанавий ижро бўйича секцияларга бўлиниб, тавсия этилган 74 номзоднинг ижодий ишларини кўриб чиқишга келишиб олди.

Мукофотга номзодлар ҳужжатларини қабул қилиш жорий йилнинг 5 августига қадар давом этади. Мукофотни топшириш тантанаси Мустақиллик байрами арафасида Халқлар дўстлиги саройида бўлиб ўтади.

(ЎЗА)

Тошкентим — боғу бўстоним

Ушбу янги руҳ остида чоп этилган дастлабки мақолаларда ободончилик ва кўкаламзорлаштиришга оид тузилмалар фаолияти, мутахассисларнинг маданияти ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, кўча ва майдонлар миқёсида пойтахтимиз ашл худудларини янада кенгайтириш бийотиш хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан таништиришга ҳаракат қилдик. Энди эса хаваскор боғбонлар маслаҳатларини бермоқдамиз. Улар шаҳар шариотида хонадон олди, ҳовлиларда ўз кўллари билан яратган гулзорлари, боғу узумзорлари мисолида ёзининг энг жазирама кунларида нималарга эътибор бериш кераклиги тўғрисидаги тажрибалари билан ўртоқлашадилар.

Пойтахтимиз кўкаламзорлиги хусусида сўз борганда, аксарият мутахассислар кишлоқ иқлимга қараганда шаҳар шариотида ҳар қандай ўсимлик баъзи омиллар туфайли мослашиб олгунча, ривожланиши осон кечмаслиги хусусида тўхталиб ўтишни ўринли деб билайдилар, лекин бундай ҳол мавжуд. Сабаби табиий озуқа етишмаслиги ёки тегишли микдорда сугоришга эришилмаганида эмас, балки айнан шаҳарда атрофимиз кўп қурилмалар, баланд иморатлар билан ўраб турилиши, шунингдек автомобиллар ҳаракати зич ва тезлиги туфайли тоза ҳаво танқислигидадир. Буни билган ва тушунган ҳолда, шаҳар шариотида катта ҳосил оламандеган фикр билан эмас, оз булсада оилам учун ўз боғимда етиштирилган гуллар мева-чеваларга нима етсин қабилида иш юртиш даркор.

(Давоми 3-бетда)

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида ҳамда Вазирилар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан, мамлакатимизда уч бугунги спорт тизими яратилиб, у узлуксиз таълим соҳасида амалга оширила бошланди. Бунда биринчи синфдан тортиб то олий ўқув юртлири талабаларига қадар «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларида фарзандларимиз чиниқмоқдалар, ватанпарварлик руҳида тарбияланмоқдалар, спорт заҳираси янги иқтидорли ёшлар билан тўлдирилмоқда. Ушбу узлуксиз тизимнинг асосий моҳияти шундан иборатки, у мамлакатимиздаги барча ёшларни тўла қамраб олади. Чунотки, илк бор умумий ўрта таълим мактабларида спорт ўқувчининг ҳаётига кириб борса, академик лицей ва касб-хунар коллежларида, унинг турмуш тарзига айланади, олий ўқув юртлирида эса халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун йўл очилади. Мусобақаларда ўзини кўрсатган истеъдодли ёшларимиз эса ҳар хил спорт турлари бўйича юртимиз терма жамоасига жалб этилади. Бир сўз билан айтганда оммавийликдан юқори спорт натижалари сари йўналтирилган ушбу тизим ўқувчи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Маълумки, бундан бир ой муқаддам Андижон шаҳрида ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув муассасаларининг ўқувчи ёшлари ўртасида узлуксиз тизимдаги иккинчи бугун ҳисобланмиш «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг республика босқичи бўлиб ўтди. Халқаро Олимпия ўйинларининг аjoyиб шiori бор: «Муҳими галаба қозониш эмас, иштирок этиш». Зеро, ўқувчи-ёшларнинг бундай улкан спорт байрамларида қатнашишларининг ўзиёқ катта ютуқдир. Ушбу мусобақаларда шахримиз терма жамоаси олтинчи ўринни эгаллади. Бу, албатта, Жиззаҳда ўтказилган олдинги «Баркамол авлод» спорт ўйинларида голиб чиққан ҳамшаҳарларимизни қониқтирмайди. Демак, биз бундан қандай сабоқ чикардик?

Авалло, шунини айтиш керакки, бу гал ҳам спортчи-ўқувчиларимиз мусобақаларга пухта тайёргарлик кўришган эди. Барча ўн тўртта спорт тури ва ўн еттита мусобақалар натижаларига назар ташлар эканмиз бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Бинобарин, волейболчи қизларимиз, бадий гимнастикачиларимиз умумжамоа ҳисобида зафар кучишган бўлса, баскетболчи ўғил болалар, теннисчилар, қўл тўпи бўйича ўсмирларимиз иккинчи бўлишди. Кураш, енгил атлетика, шахмат бўйича ҳамда баскетболчи қизларимиз ҳам яхши натижаларга эришишди. Шахримиз терма жамоаси бешинчи ўринни эгаллаган фарғоналиклардан атиги 2,5 очко, учинчи ўрин соҳибларидан эса 12 очко ортда қолганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мусобақаларнинг нақадар шиддатли ва ҳаяжонли курашларга бой ўтганига амин бўлиамиз. Уйинларда 38 олтин, 44 та қумуш ва 14 та бронза медаллари қўлга киритилган шахримиз спортчи-ёшлари имкониятлари даражасида эмас. Спортда муваффақиятсизликларни оқлаб бўлмас, натижалар ҳар бир нарсани исботлаб турса-да, ҳар ҳолда масалага холис ёндошадиган бўлсак, мусобақа етакчилари ҳисобланмиш қўл тўпи бўйича қизларимиз дар-

возабонининг жароҳат олган ҳолда турнири тарк этиши, кураш бўйича тажрибдор спортчимиз вази меъёрдан атиги 200 грамм юқори бўлганлиги учун мусобақага қўйилмагани, шунингдек, стадиондаги югуриш йўлақлари замонавий қопламасига мослаша олмаган олти нафар етакчи енгил атлетикачиларимизнинг жароҳатланиб, ўйинларда иштирок эта олмаганлигини, ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундай қутилмаган сабаблар оқибатида ҳам айтиш мумкинки, жамоамиз кўпгина очколардан маҳ-

шида кўриб чиқилди. Йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама этилиб, мавжуд ахволни яхшилаш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

— Очигини айтганда, «Баркамол авлод» спорт ўйинларида шахримиз терма жамоасининг иштирокини чўқур таҳлил қилган ҳолда айрим хатоларга йўл қўйилганлигини кўрамиз, — дейди Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Мираббос Азимов. — Хусусан, тизимимизда ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шугулланиш-

ни тузатиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2006 йилда Тошкент вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича тажрибдор педагог-мураббий ва мутахассислардан иборат «Маслаҳат кенгаши» тузди. Ўқувчи ёшлари мусобақаларга янада самарали тайёрлаш мақсадида «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг барча турлари бўйича ҳар йили октябрь-ноябрь ойларида ўқув муассасаларида гуруҳларро (1 босқич), декабрь-февраль ойларида туманлар бўйича (2 босқич), март-май ойларида шаҳар миқёсида (3 босқич) беллашувларни ташкил этиб, унда ўқувчиларнинг тўлиқ иштирок этишларини таъминлаймиз. Спортнинг ҳар бир турига бошқарма раҳбарлари ва бўлим бошлиқлари бириктирилди.

«Баркамол авлод» мусобақаларига тайёргарлик кўриш даврида беллашувларни ўтказиш учун база этиб белгиланган бир қатор коллеж ва лицейлар спорт зал ва майдонларни талаб даражасида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, шахримиздаги мавжуд 118 та ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими муассасаларининг ҳар бирида спорт заллари, стадионларни таъмирлаш, йўқларини ташкил этиш, улани спорт анжомлари билан жиҳозлаш ишлари кўриляпти. Утган ярим йил ичида фақат бошқарма томонидан 20 миллион сўмликдан ортиқ турли спорт анжомлари ўқув масканларига етказиб берилди.

Спорт ўйинлари иштирокчиларини мусобақаларга тайёрлаш, машгулотлар ўтказишишда бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тажрибали мутахассис-мураббийлар жалб этишнинг режалаштирдик. Уйинлар дастуридан ўрин олган барча 14 та спорт турлари бўйича шаҳар спорт федерациялари билан ҳамкорликда ишлашга келишиб олдик. Улар маслаҳатига кўра жамоаларни тайёрлаб борамиз. Бокс, бадий гимнастика, оғир атлетика турлари ўқув дастуридан ўрин олмаган. Уларни дастурга киритиш тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига таклиф бердик.

Албатта, ҳар бир ўқувчи чемпион бўлолмайди, муҳими ёшларимизни чиниқтириш ва соғлом тарзда вояга етказиш учун улари оммавий тарзда спортга жалб этиш керак. Бу борада шаҳарда кўп ишлар амалга оширилипти. Хусусан, ҳар бир ўрта махсус ўқув масканида спорт турлари бўйича ҳафтада 2 соатлик факультативлар бор.

Ҳозирги кунда бошқарма тасарруфидаги ўқув муассасаларининг 41926 та ўқувчиси 37 спорт йўналишдаги 1382 та спорт тўғарақларида дарсдан бўш вақтларида ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Бу ҳам спортни ривожлантиришга ёрдам беради...



Мираббос ака билан узок суҳбатлашдик. Шаҳар ўрта махсус таълим тизимида ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш бўйича юқоридаги режалаштирилган ишлар амалга оширилса сезиларли даражада ижобий сиғиш юзга келишига шубҳа йўқ. Кейинги мусобақаларга уч йил бор. Бу оз фурсат эмас. Йўл қўйилган хатолар тўғри таҳлил қилиниб, 2006 йилги мусобақаларда шахримиз жамоаси юқори натижаларга эришади деган умиддамиз. Бунинг учун эса ҳамма шарт-шароитлар етарли.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида ёшларнинг спорт билан шугулланишлари учун ана шундай шарт-шароитлар яратилган.

• ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ — ҚУДРАТЛИ БЎЛУР

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Юртбошимизнинг ушбу сўзлари бугунги кунда томо замонада ҳаётимиз дастуруламалига айланди. Таълим-тарбия соҳаси дейсизми, хунармандчиликми, хуллас барча жаҳаларда ёшларимизнинг замонавий билимларни эгаллаган ҳолда юртимиз келажагини бунёд этишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Энг иқтидорли ёшларимиз хориждаги нуфузли олий ўқув юртлирида ўз билим-малакаларини оширмоқдалар.



рум бўлди. Шаҳарда оғир атлетика билан шугулланиш учун ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида база бўлмаганлиги сабабли ушбу спорт тури бўйича қатнашчиларнинг Олимпия захиралари коллежида шугулланишларига тўғри келди...

Ҳар нима бўлганда ҳам, спортчи-ўқувчиларимизнинг «Баркамол авлод» ўйинларидаги иштирокларидан, юқори мукофотли ўринларни эгаллаб олмаганликларидан қандай хулосалар чикариладу ахволни бундан ҳам яхшилаш юзасидан нима чоралар кўрилмоқда деган саволларга жавоб излаб кўрайлик-чи.

Аваллаамбор, Андижон вилоятида ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг натижалари Тошкент шаҳар ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимидаги ўқув муассасалари директорлари, мураббийлар йиғили-

ри учун барча имкониятлар мавжуд бўла туриб, мусобақаларнинг саралаш босқичларида юқори малакали мутахассислар жалб этилмаганлиги, ёшларнинг маҳоратлари, соғлиқларига етарлича аҳамият берилмаганлиги каби сабабларга кўра болаларимиз «Баркамол авлод» ўйинларида айрим турлар бўйича имкон даражасида қатнашиб қутилган яхши натижаларни кўрсата олмадилар.

Йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чикарган ҳолда кенг қўламадаги ишларни бошлаб юбордик. Хусусан шу ҳолнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар ўрганиб чиқилди. Йўл қўйган камчиликлари учун мутасадди раҳбарларга интизомий чоралар қўлланди.

Келажақда бу камчиликларни қайтармаслик учун хатолар ўрганилиб, жамоаларда кенг муҳокама қилинди ва улар-

Тошкентим — боғу бўстоним

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чиланинг энг иссиқ, жазирама пайти июль ойига тўғри келади. Шу боисдан ҳам шу ойда кўп мевалар пишиб етилади. Бундан ташқари, чилла даврида баҳор ойида ўтказилган янги кўчатлар ёки пайванд қилинган новдалар «тақдири» ҳал бўлади: иссиққа бардош бериб мослашиб олса, демак кўкариб яшаб кетишига ишонч бор.

Шу ойнинг бошида олчанинг энг етилган вақти бўлади, биринчи беш кунлик ичида ҳосилни териб олиш керак. 15-20 июлда кўк олхўри, карлик — паст ўсадиган нок, зарғалдоқ шафтоли пишади. Шунингдек, чиллада анжирнинг биринчи ҳосилдан ҳам татиб кўриш мумкин келади. Ўриклар ҳам тугайди дейиш мумкин (туршакка мос баъзи турлари август охиригача ҳам учрайди).

Аксариат мевали дарахтларнинг ҳосили тугангандан сўнг шакл бериш, тепа шохларини, синган, эгилиб қолган, нотекис ўсиб бораётган новдаларини кесиш ёки аралашни унутмаслик керак. Кесилиши мўлжалланган шохларнинг пастки, яъни қолдирилмаган қисмида бир неча кичик новдалардан сақлаб қолиш зарур. Мевали дарахтнинг араланган жойи сувга бўктирилиб, олдиндан тайёрлаб кўйилган тупроқ шарбати билан қуюқ қилиб сувалади. Бу ишни кўпчилик кеч куз ёки баҳорда қолдиради. Аммо ҳосилдан сўнг дарахт новдалари ҳали сувга тўла, юмшоқ бўлгани боис аралаш осон кечади, бошқа пайтларда дарахт танаси ва шохлари сувсирган, қаттиқ бўлади. Ёзда кесилган шох ўрнида сентябрь ойигача янги новда ҳосил бўлиб, совуқ кунларгача иқлимга мослашишга улғуради. Шунингдек, август ойида янги новдага тажриба тарихасида пайванд қилиш ҳам мумкин (бу ҳақда мазкур руқнинг кейинги сонлариغا мутахассисларнинг тавсиялари тайёрланмоқда). Шу ўрнида яна бир муҳим нарсани эслатиб ўтиш зарур: дарахтларни гуллаётган, ҳосилга қираётган пайтида кесиш асло мумкин эмас.

Июль ойида мевали дарахтларни диққат билан кузатиб туриш лозим, нега деганда чилла пайтида иссиқдан улар танасининг пўсти ёрилиши эҳтимоли бор. Бундай ҳолларда суюқ тупроқ аралашмасини тайёрлаб дарахт танаси, йирик шохларига сувоксимон кўринишда яхшилаб суртиш керак. Агарда уй аптечасида мудади ўтган дори воситалари сақланиб қолган бўлса, уларни юқорида айтиб ўтилган қоршимага қўшиб дарахтларга суртиш ҳам фойдалидир.

Чилла пайтида узум кўчатларини бир марта сўғориш зарур, бунда томчи усули яхши самара беради. Бунинг учун узум танаси асосидан 20-40 сантиметр нарироқда чуқурча қазилади ва шу жойга кечасига суви томчилаб турувчи резина ичак (шланг) ташлаб қўйиш мумкин. Худди шундай усулда анжирни ҳам сўғориш тавсия этилади. Анжир намликни ҳамда табиий озукани хуш кўради, шунинг учун қайнаш пайтида, яъни мевага қираётганида уни доимий равишда сўғориб туриш керак. Табиий ўғитни эса чиритилганидан, кул ёки кўмир қуқуни аралаштирилгани билан, кўчатлар асосидан 30-40 сантиметр йироқроққа кўмиб, фойдаланилади. Бу усулни ҳар бир ўсимликка нисбатан қўлла-са бўлади, фақат илдири олдидан тупроқ қотиб қолмаслиги учун вақти-вақти билан чопик қилиб туриш керак бўлади. Агарда янги

сепиш ҳам самарали бўлади. Кимёвий модда қуқуни кўзга тушмаслигининг олдини олиш учун махсус кўзойнак ёки дока тутиб химояланилади, кейинчалик, иш тугагандан сўнг юз-кўл совун билан ювилиши керак. Агарда ёз пайтида тўсатдан ёмғир томчилаб ўтса, олтингургурт ишловини қайтариш керак, акс ҳолда узумга кул тушиб кетади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, олтингургурт сепилган узумни кўшлар, шу жумладан майна чўқимади. Олтингургурт қоршимаси ёки унинг қуруғи шира ёпишадиган ёнғоқ, анор, шафтоли каби мевали дарахтларга ҳам сепилади.

Жазирама иссиқ бўлишига қарамай, июль ойида бир йиллик кўчатларни ҳам, масалан, райхонни экиш мумкин. Бунинг учун райхоннинг янги ўзилган новдаси совуқ сувга солиб қўйилади ва 3-4 кундан сўнг, илдири бериши билан, 5-7 сантиметр чуқурликка экилади. Ерга илдири отиб кетгунга қадар райхон кўчати кунда икки мартадан сўғориб турилади. Кейинчалик ўсимлик яхши ривожланиши учун тепа қисмидан 2-3 тадан баргини гули билан бирга узиб туриш мумкин.


Чилла пайтида гулларни, айниқса намликка ўч атиргулларни ҳам парваришлашни унутмаслигимиз керак. Кеч кузгача гуллаб туриши учун атиргулни кўёш нури тушиб турадиган жойга экиб, доимий равишда имкон қадар томчилаб сўғориш тавсия этилади. Баҳорда гул кўчатлари атрофи чопилаётганда, тортилаётган ариқчалар бир бошига ўрача қилиб, унга табиий ўғит, кўмир майдаси, кул кўмиб қўйилса, ёзнинг иссиқ кунларида ҳам сўғориладиган экинлар олдидаги тупроқ қотиб қолмайди. Атиргул яхши гуллаши учун олдинги қуриган гуллари ўрнини тоққайчи билан қирқиб турилиши ижобий таъсир кўрсатади.

Июль шунингдек ўрик, олча, олхўри, шафтоли, бошқа меваларни туршак, қоқи қиладиган ой ҳамдир. Бунинг учун патнис, савад, бошқа текис мосламаларга бир қават мева терилиб усти дока билан беркитилган ҳолда қуёшли жойда, ердан 50-70 сантиметр юқорида қуритилади. Тайёр мевалар то куз келгунга қадар қоғоз пакетларда қуритилган чўл яллиз аралаштирилиб, очик шароитда сақланади.

Умуман олганда, чилла — бу табиатнинг синов даври. Унинг шундай инъомлари борки, кўкаришидан дарак бўлмаган баҳорда экилган янги кўчатлар ёки пайванд қилинган новдалар ҳам тўсатдан кўкариб яхши ривожланиб кетиши мумкин.

Муҳтор МУРОДОВ,
Улуғбек БЕКМУХАМЕДОВ,
Генерал Узоқов ва «Оққўрғон» маҳаллаларининг ҳаваскор боғбонлари.

ТАБИАТНИНГ СИНОВ ДАВРИ



гўн ишлатилса, унда бузоқбошига ўхшаш турли ҳашаротлар пайдо бўлиб, дарахтлар илдизини кемириб қуритиши мумкин.

Бундан ташқари, июль ойида узумга албатта иккинчи маротаба олтингургурт сепиш зарур. Унинг жойлашган майдонидан келиб чиқиб, ярим пачка олтингургурт қуқуни 10 литр совуқ сувга солинади. Яхши қоришма ҳосил қилиш учун ҳўжалик совундан тайёрланган кўпик қўйиш мумкин. Сўнг тайёр қоришма махсус шприц орқали узум мевалари ҳамда шохларига сепилади. Ушбу жараён пайтида олтингургурт сувдан ажралиб қолмаслиги учун қоришма тез-тез аралаштирилиб турилади. Бу жараённи полиэтилен идишдан фойдаланиб, қопқоғини бир ёки бир неча жойидан тешиб амалга ошириш ҳам мумкин. Олтингургуртнинг куруқ ҳолда, докдан тайёрланган халтачага солиб узун таёққа осилган ҳолда


Яхши ният билан тупроққа суқилган ҳар бир ниҳол гуллаб-яшнашини, мева беришини истаймиз. Гулдонларга ўтказилган турфа гул кўчатларининг меваси эса — инсонларга улашиладиган завқ, шахримиз жамолига катта ҳайса. Шу боисдан ҳам пойтахтимизни гулу гулзорга, чаманзорга буркаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз экан, эҳсан ниҳолимизнинг барқ уришини, камолини ҳам таъминлашни унутмайлик.

Шарифа ИЛЁСОВА

• **ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИ**

Гулбеор

Кўп йиллик ўтли гуллар турига қиради. Ёйма шаклида тарқалиб, 30 сантиметргача ўсади. Гуллари қизил, пушти, тўқ ва оч сариқ, оқ бўлади. Ёзнинг бошидан совуқ кунлар келгунча гуллайверади.



Гулбеор шунчаки иссиқ иқлим эмас, қуёш бўлган тақдирда яхши очилади. Қуруқликка чидамли, аммо сувни хуш кўради.

Гулбеорни кўчати билан май ойидан бошлаб ёзнинг чилла пайтида ҳам ўстириши мумкин. Гулни ҳар йили экиш зарурати йўқ. Куз мавсумида гулбеор гулдан тўкилган қора нуқта-нуқта уруғлари ўрнида келгуси баҳорда янгилари униб чиқаверади. Агарда алоҳида майдонга йиғиб экилса, гўзал манзара кашф қилиш мумкин.

Гладиолус

Гладиолус гулларнинг касатик оиласига мансуб бўлиб, унинг 200 дан зиёд тури мавжуд. Унинг ҳар бири турини нафақат гулнинг ранги, гуллаш вақти, балки бўйи ва шакли билан ҳам фарқланади.

Гладиолус пиёзга б и л а н кўпайтирилади. Яхши ривожланиши учун қуёш нури тушадиган ёйилма тупроқли жойларда апрель-май ойларида экилади. Гул пиёзлари 35-40

сантиметр оралиғида қатор қилиб экиб, ҳар бир қатор атрофида умумий сўғориб туриши учун ариқча қазилади. Озуқа сифатида чиритилган табиий ўғит ёки барглардан фойдаланиш мумкин. Гладиолусни гуллаш вақтида кўп сўғориш, ерни вақти-вақти билан чопиб туриш лозим.

Ҳар йили гуллаш вақти ўтгандан сўнг гладиолус пиёзлари қавлаб олинади, бироз қуритилгач ертўла шароитида, қумга кўмиб, кейинги мавсумгача сақланади. Гладиолус аслида Европадан тарқалган. Баъзилар унинг ватанини Лотин Америкаси деб билади. Ўзбекистон иқлимига яхши мослашган. Катта майдонларда, ҳовли шароитида ҳам етиштирилади.

• **ЛУҚМА**

НИҲОЛГА ҲАМ ПАРВАРИШ КЕРАК

Ниҳол ҳам, гул ҳам бир фарзанд мисоли. Фарзандни дунёга келтириб тарбия берганингиздек, ниҳолни ҳам ерга қадагач, то у қаддини ростлагунча парваришлаш лозим...

Кейинги пайтда тобора гўзаллашиб гулу гулзорга айланиб бораётган файзли Тошкентимиз кўчаю хиёбонларини янада кўркамлаштириш мақсадида шохқўчаларнинг чорраҳаларига, қорхона, ташкилот, муҳташам иморатлар олдига катта-катта гулдонлар қўйилиб, уларга турфа гул кўчатлари

ўтказилди. Ана шу гулдонлардаги гул кўчатлари аини дамда очилиб кишиларга завқ бағишлаб турибди. Лекин...

Ҳа, лекин кўчаларимизни айлансангиз, баъзи бир жойларда ана шундай гулдонлардаги гуллар қуриб, бужмайиб қолганининг вуқохи бўласиз. Гўёки улар ўтқазиб кетган

одамларга «Биз томонга бир қараб қўй...» деяётгандай турибди. Ахир мана шундай турли ҳажмдаги, чиройли кўришдаги бетон гулдонларга гуллар экилган, унинг парваришига ҳам эътибор қаратиш лозим-да. Бунақада кўп ўтмай гулдонлар кўчаларимизда куруқ савлат бўлиб қолади-ку.

• МУЛОҲАЗА

Хар бир инсон учун Ватан ўз хонадонидан, маҳалласидан бошланади. Агар маҳалла осойишта бўлса бутун мамлакат тинч бўлади. Бугунги кунда дунёдаги энг ноёб тизим ҳисобланган маҳаллаларга бўлган эътибор, ишонч ортаб бормоқда. Айниқса жорий йилнинг Обод маҳалла йили деб номланиши бу бордаги ишларимизни янада жонлантиришга ундайди.

Бурчимизга масъулият билан ёндошайлик

Маҳаллаларда амалга ошириладиган ибратли ва эзгу ишлар ҳақида кўп ёзамиз, эшитамиз, «ойнаи жаҳон» орқали кўрамиз. Лекин ён-веримизга яхшилаб бир назар ташласак эътиборга олинган лозим бўлган ишлар ҳали анчагина эканлиги ойдинлашади.

«Отанг маҳалла, онанг маҳалла» деб бежиз айтилмаган. Лекин, республикамиздаги ёки шахримиздаги ҳар бир маҳалла оқсоқоли, фаоли, хотин-қизлар комиссияси раисаси кўмакка муҳтож бўлган, ногирон, қаровчиси йўқ, яққа-ёлғиз, ҳаётда қийналиб қолган инсонларнинг оғирини енгил қилиб, беминнат ёрдам беришга ҳаракат қилпятирми? Таҳририятимизга бўлаётган кўнгироклар ҳали ҳам орамизда қалондиқлик, одамларни менсимаслик, ўз ишини фақат қорғозда бажарадиган, иши бошқаю гапи бошқа бўлган кишилар борлигини кўрсатиб турибди.

Шу ўринда Президентимизнинг Конституцияимизнинг ўн илгиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқларидаги мана бу сўзларни келтиришни лозим топдик: «...Ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададга муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари мансабдорларининг тинчини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағларни ундириб олиб,

бугун қилаётган ишларининг самарасини янада кучайтирса, яъни, маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолининг розилигини олган бўламиз».

Қани энди Юртбошимизнинг куюнчақлик билан айтган мана шу сўзларини ҳар бири-миш иш столимиз устига қанда сифатида ёзиб қўйсак, кунда бурчимизни, масъулиятимизни яна ҳам тيرانроқ англаш иш юритармидик.

Маҳаллалар ободлиги, озодалиги йўлида ҳам бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шундай маҳаллалар борки, зора Обод маҳалла йилида кўчаларимиз асфальт бўлиб, ўйдим-чўқур йўлларимиз эпакча келса дея орзу қилишди. Бунга мисол сифатида Юнусобод туманидаги «Дўстлик» маҳалласини келтиришимиз мумкин.

— Биз истиқомат қиладиган 21-уйини кўчалари ҳам, ён-атрофлари ҳам қаровга муҳтож, — дея куюниб гапирди танқидчи шоира Гулчехра Жўраева. — Зора, Обод маҳалла йилида ўзгаришлар бўлиб қолса. Бу борада кишиларимизнинг ўзларида ҳам куюнчақлик бўлиши лозим. Бир нарса дилимни қаттиқ ранжитди. Шу уй, шу маҳалла, шу Ватан бизники, айримларнинг қилаётган ишини кўриб хайрон қоламан, аксарият эйиллар истиқомат қиладиган уйимизда ақалли хонадонининг

остонасини бир марта супуриб-сидириб, орасталаб қўймаган инсонлар бор. Халта-халта чиқиндиларни йўлақларга ташлаб кетишди. Чет элга бориб келиб оғиз кўпиртириб гапирамиз, озода, кўчаларида чанг йўқ, ҳаммаёқ гулзор, қачон бизда шундай бўлади, деб. Уйламаймики, гўзаллиқни, озодалликни яратиш ўз қўлимизда, уларга ҳам давлат қилиб бераётгани йўқ, у ерда ҳар бир фуқаро юрт қиройига ўз хиссасини қўшади, қонунарга қатъий амал қилади. Маънавияти инсон дея бекорга айтилмайди. Қачонки инсонда ички маданият юксак бўлар экан, шундагина жамият тезроқ ривожланади.

Сергели туманидаги, Саъдий кўчасида яшовчи аҳоли (илгариги 18-механизациялашган жамланмага қарашли бўлган уйлар) кўчада электр чирокларининг йўқлигидан, бир томони Салор канали, бир томони эса темир йўллар билан ўралган маҳаллада оқава сув тармоғи йўқлигидан «Нўгайқўрган» маҳалласи жуда қийналаётгани ҳақида куюниб ёздилар.

Обод маҳалла йилида аҳолининг ижтимоий ҳимояси, маҳаллаларни обод ва ораста масканга айлантириш борасида талай ишлар амалга оширилиши мўлжалланган. Уйлаймики, юқорида номлари келтирилган маҳаллаларда ҳам мавжуд муаммолар ҳал этилиб ибратли юмушлар ўз ижросини топади. Шоира МУҲАМЕДОВА

Бир болага етти қўшни ота-она

Мана Обод маҳалла йилининг ҳам бир-биридан файзли, саховатли кунлари ўтмоқда. Биз шу кунга қадар ишларимизни сарҳисоб қилиб, янги-янги эзгу мақсадлар сари интилмоқдамиз. Президентимиз томонидан маҳаллага бўлган ишончни оқлаш, маҳалла ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, уларни қонун асосида бажариш, оқсоқолларнинг масъулиятини ошириш, бу ерда яшаётган ёш авлодни ҳар томонлама етуқ, баркамол қилиб тарбиялаш, маҳалладошлар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтириш — маҳалла зиммасига юклатилган. Бу ўз навбатида кенг жамоатчилик бурчидир.

Маҳалла ўз ҳудудидаги шарт-шароитларни ҳисобга олиб барча ишларни режа асосида олиб борадиган жамоатчилик маскани ҳисобланади. Бизнинг «Беруний» маҳалламиз Тошкент шаҳрининг энг қадимий ҳудудларидан бўлган Собир Раҳимов туманида жойлашган. Маҳалламиз ташкил бўлганига ҳам 30 йилдан ошди, унинг аҳолисини асосан эмиёлар ташкил этади. Маҳалламизнинг ҳар бир оиласи мустақил ўзбекистонимизнинг бугунги ривожига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. «Бир болага етти қўшни ота-она», дейди халқимиз.

Шунинг учунми маҳалламизда жойлашган 249-умумий таълим мактаби ўқувчилари ва 277-болалар богчасида тарбияланувчиларнинг ҳар кунги ҳаётидан маҳалла ҳабардор. Мактаб ва богчадаги барча болалар, бизнинг эртаимиз, келажакимиз. Шунинг учун ҳам маҳалла ва мактаб ўртасида яқин алоқалар ўрнатилган.

«Яхши ўқувчининг ота-онаси», «Уларга тенглашинг» каби сўхбат ва учрашувлар бунга мисол бўла олади.

Мақтаб ўқувчиларини соғломлаштириш мақсадида маҳалла, мактаб спорт залларини, спорт майдончаларини таъмирлашга, шунингдек, кам таъминланган оилалардаги болаларга дарсликлар, кийим-кечаклар билан ёрдам берилади. «Маҳалламизда яшаш яхши» каби кўрик-танловларда ўқувчилар юқори ўринларни эгалладилар. Ўқувчилар ўз маҳалласи тарихини тўлиб-тошиб гапирганда, кўнглимиз фахрга тўлади.

Мақтабда 100га яқин тажрибали, ўз касбининг захматқашлари бўлган устозлар дарс берадилар. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун мактабда барча шароитлар мавжуд. Бу эса, ўз навбатида ота-оналарни қувонтиради.

Мақтабда тўғарақлар иши яхши йўлга қўйилган. Ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ўтиши учун маҳалла бошида ҳам тўғарақлар ташкил этилган. Бундан ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам самарали фойдаланиб яхши натижаларга эришмоқдалар.

Раънохон РАҲИМБЕКОВА,
юридик фанлар номзоди, доцент.

СЕН МЕНГА МЕНГА ЖОНИМ

Маҳаллам меҳрибон отам, онам у.
Хар кун боғларида очилдим гулдек.
Юрагинг отади менга ишониб,
Бириси опамдек, бири синглимдек.

Хар бир гўдагини кўтариб ўпсам,
Кўнглини сўрасам беморларини.
Олтин кўрғон дея суясам мен ҳам,
Мени суяб юрган деворларини.

Бу ерда парилар юртидагидек,
Саломга эгилар хушрўй келинчак.
Беҳишт боғларидан мужда таратар,
Чақалоқлар улаб ётган беланчак.

Сен менга илҳомбахш, сен менга сирдош,
Сен менинг кипригим, кўзим ва қошим.
Топганинг тўйларга бюрсин иллоҳ,
Тугийгандек яқин маҳалладошим.

Ўйғоқлик тилайман томирларингга,
Огоҳлик тилайман юракларингга.
Осойишта кечсин хар кун, хар тунинг,
Гул тўлсин йўлингга, йўлакларингга.

Сен нимаики бўлсанг мен ҳам ўшаман,
Сендадир ҳаётим, сендадир шоним.
Сен борсан шoirман, сенга доирман,
Сен менинг маҳаллам, сен менинг жоним.

Зулфия МҲМИНОВА

Маҳалламиз — ота-отамиз



• ЯРМАРКАЛАР

Аҳолига қулайлик яратилди

Ҳамза туманидаги Аҳмаджон Назаров маҳалласида туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофиза қилиш бўлими томонидан ҳудудий меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

— Ҳудудий ярмарка ўтказишнинг афзал томони, — дейди туман меҳнат бўлими раҳбари Абдурахмон Комилов, — туман марказидан олисроқда яшовчи маҳалла фуқароларига қулайлик яратишдир. Жорий йилда туманимизнинг 17 та маҳалласида ана шундай ҳудудий ярмаркаларни ўтказишни режалаштирганмиз. Улар режа асосида амалга оширилмоқда.

Туманимизда 50 та маҳалла, 20005 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунингдек, 170 дан ортиқ йирк ва ўрта қорхона, ташкилотлар мавжуд. Бўлимимизда тумандаги барча қорхона, ташкилот ва муассасалар билан доимий мулоқот йўлга қўйилган. Улар ўзларидаги бўш иш ўринлари ҳақида бизга маълумот берадилар. Аҳоли билан муносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин. Шунинг билан қандайдир эҳтишомлар, уларнинг асосини ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар тўғрисидаги ҳаммуносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин. Шунинг билан қандайдир эҳтишомлар, уларнинг асосини ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар тўғрисидаги ҳаммуносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин. Шунинг билан қандайдир эҳтишомлар, уларнинг асосини ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар тўғрисидаги ҳаммуносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин.

Шахло ҲОШИМОВА
СУРАТЛАРДА: маҳаллада ўтказилган ярмаркадан лавҳалар

Ҳакимжон Солиқов олган суратлар.



Маълумки, ҳозирги кунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига катта масъулият юклатилган. Уларга етарлича қафолатлар берилган.

«ФЕРУЗА»ДА ШУНДАЙ ИШЛАЙДИЛАР

Халқимизда «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар» деган доно мақол бор. Бу мақол пойтахтимизнинг Мирзо Улughбек туманида жойлашган «Феруза» маҳалласи аҳли мисолида айнан тасдиғини топган десак янглишмайми. Чунки, бу ерда оқсоқол Хусан ака Мусабоев бошчилигида Насиба Нодиралиева, Эмин Аллаберганов, Жаҳонгир Эргашев, Карим Толипов каби маҳалланинг фидойи инсонлари фаолият кўрсатади.

Кўп миллатли маҳаллада олти мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шуларнинг 65 фоизини ёшлар ташкил қилади. Маҳаллада спорт мажмуи, тўйхона, «Маънавият ва маърифат» хонаси, замонавий жиҳозланган милиция таянч пункти, кичкинтойлар майдончалари бор.

Турмуш қурмакиси бўлмаганидек, — деб ҳикоя қилдилар оқсоқол Хусан Мусабоев, — маҳалламизда ҳам ҳар хил одамлар бор. Мактабда ҳар ойда бир марта ўқувчи ва ўқитувчилар ўртасида сўхбат ўтказамиз. Аммо, битта болани деб ойда беш марта ҳам бўлишимизга тўғри келмапти. «Маҳалламиз — ота-онамиз», деб бежизга айтимайман. Ноқобил фарзанд нафақат ота-онасининг, балки жамиятимизнинг ҳам оғриқли жойи саналади. Биз қўлимиздан келганча бундай ҳолатларнинг бўлмаслигига ҳаракат қиламиз. Лекин тарбияга ўзлари муҳтож айрим ота-оналар ишларини қийинлаштирадилар.

Режаларимиз кўп. Яқинда маҳалламизнинг ўз кутубхонаси бўлади. Бундай хайрли ишга маҳалламизда ағтирилмоқ қилувчи Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига қарашли «Иби Сино» нашриётининг ходими Зиркилло Мирзанов яқиндан ёрдам берапти. Айнан шу инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан маҳалламизнинг ёш футболчилари спорт кийимлари билан таъминланишди. Бир кунлик ҳашардан тушган маблағ маҳалламиз ҳисобига ўтказиб берилди. Маҳаллада шундай жонқур инсонлар бўлганига нима етсин.

Спорт мажмуасининг ишга тушиши болажонларимизга бир олам қувонч бағишлади. Уларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол бўлиб вояга етишларида спортнинг ўрни беқийбсиз. Яқинда қозилар кўраш кичикроқ бўлса ҳам теннис қозилар кўраш режалаштирилган. Жой тайёр. Маблағ масаласи муаммо бўлиб турибди. Аммо болаларимиз учун ҳаракат қилмасак бўлмайди. «Қалови-

ни топсанг қор ҳам ёнади» деб бекорга айтилмаган.

Маҳалладаги педагог-тарбиячи, хотин-қизлар комиссияси, яраштирув комиссиялари фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди. Бу вазифаларга ўз ишининг муҳиятини англаган, кўпни кўрган кишилар маҳалла аҳли томонидан сайлаб қўйилган. Улар «Оила» маркази билан доимий ҳамкорликда ишлайдилар. Аёлларнинг ёшларига қараб қизлар, келинлар, қайноналар билан алоҳида қизқарлик сўхбатлар уюштирилади.

«Камаш» ширкати томонидан ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Бош муҳандис В. Хан ташаббуси билан ҳашарлар уюштирилимоқдаки, баҳорда бунинг ахамияти беқийбсиз.

Милиция таянч пунктида лейтенант Жаҳонгир Эргашев олиб бораётган ишлар эса яқиндагина республика миқёсида юқори баҳоланди. Ўзбекистон республикаси Ички ишлар ва Халқ таълими вазирликлари, Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан «Намунали милиция таянч пункти» ўртасида кўрик-танлов ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қўшма қарорга асосан «Туркистон» саройида ўтказилган бошқич натижаларига кўра «Феруза» маҳалласининг милиция таянч пункти кўрик-танловнинг ғолиби бўлиб, «Тик» автомобилни қўлга киритди.

Жаҳонгир Эргашев ёш бўлишига қарамаддан ўз ишининг фидойисидир. Қилаётган ишларда узоқ йиллар ички ишлар органларида ишлаб бой тажриба орттирган Эмин Аллабергановнинг доно масlahатларига таянади. Аҳолининг барча қатламлари учун диаграммалар ишлаб чиқилган. Жиноятчилик охириги бир йил ичида 12 фоизга камайган. Ешлар билан ишлаш ҳам кўнглидагидек. Амнистия тўғрисида уйга қайтган кишилар дарҳол имконият даражасида иш билан ёки ҳунар ўрганиш учун ўқишга жалб қилинади. Мунтазам равишда «Тун» тадбири ўтказилади. Бир сўз билан айтганда «Феруза»да ҳамма ўз ишини яхши билади. Маҳаллада олиб бораётган ишларда бир кишининг хизмати кўпроқ ёки кам деб бўлмайди. Уларнинг барчаси бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ. Буни маҳалла фаоллари яхши билишади.

Инобат НОДИРШОХ қизи.

• СОЛИҚЛАР ВА МАҲАЛЛА

БҮНЁДҚОРЛИК МАНБАИ

Давлат хазинаси ва солиқлар тўғрисида ўйлаганимизда Юртбошимизнинг «Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

Республикамиз Мустақилликка эришгандан кейин солиқ тизимини янги қилиш заруратида давлатимиз томонидан халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган тасаввуримизда пайдо бўлади. Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний шахсларнинг баъзи тоифалари даромадидаги имтиёзли солиқни қўллаш, ярмарка савдосини ривожлантириш, бозорни истеъмолчилар билан савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин. Шунинг билан қандайдир эҳтишомлар, уларнинг асосини ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар тўғрисидаги ҳаммуносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин. Шунинг билан қандайдир эҳтишомлар, уларнинг асосини ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар тўғрисидаги ҳаммуносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин.

Республикамиз Мустақилликка эришгандан кейин солиқ тизимини янги қилиш заруратида давлатимиз томонидан халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган тасаввуримизда пайдо бўлади. Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний шахсларнинг баъзи тоифалари даромадидаги имтиёзли солиқни қўллаш, ярмарка савдосини ривожлантириш, бозорни истеъмолчилар билан савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин. Шунинг билан қандайдир эҳтишомлар, уларнинг асосини ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар тўғрисидаги ҳаммуносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

Республикамиз Мустақилликка эришгандан кейин солиқ тизимини янги қилиш заруратида давлатимиз томонидан халқ фаровонлигини оширишга қаратилган қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган тасаввуримизда пайдо бўлади. Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг жисмоний шахсларнинг баъзи тоифалари даромадидаги имтиёзли солиқни қўллаш, ярмарка савдосини ривожлантириш, бозорни истеъмолчилар билан савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин. Шунинг билан қандайдир эҳтишомлар, уларнинг асосини ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар тўғрисидаги ҳаммуносабатларини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган қарорлари билан бошқа қонун ҳужжатларини шулар жумласига киритиш мумкин.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

«Солиқлар — бунёдқорлик манбаи» деган сўзлари ёдга тушади. Ана шунда ушбу гапнинг маънаси ҳаммамиз ҳам бирдай ҳаққонимиз, унинг туб мақсади нималардан иборат, қани саволлар мияямизда ҳарқандайдир уради.

Фестивалга тайёргарлик қизгин

Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллиги тантаналари арафасида Самарқанд шаҳрида анъанавий «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бу йил тўртинчи марта ўтказиладиган ушбу мусиқа байрами эндиликда нафақат Шарқ, балки жаҳондаги кўплаб санъат намояндаларини ҳам ўзига жалб этмоқда. Бу эса фестивалнинг қисқа муддатда анъанага айланиб, катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолат беради.

Жаҳон жамоатчилиги қалбидан муносиб жой олган ушбу халқаро анжуман янги ташаббусларга, яъни дунё миқёсида Шарқ мамлакатлари мусиқасига бағишланган кўплаб фестивал, анжуманларнинг ташкил этилишига ҳам туртки бўлмоқда. Унинг ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

Фестиваль доирасида «Энг яхши миллий кўшиқ ижроси учун» танлови ўтказилади. Бунда ҳар бир мамлакатдан ташриф буюрган қатнашчи ўз халқининг миллий кўшигини ижро этади. Тақдим этилиши лозим мусиқий дастурлар халқ мусиқа ижодиёти намуналари, мумтоз ва замонавий миллий мусиқий йўналишлардан иборат бўлиши даркор.

Анъанага мувофиқ фестивал доирасида «Шарқ халқлари мусиқа санъати муштараклиги» мавзусида халқаро илмий-ижодий анжуман ташкил этилади. Бу Шарқ халқлари мусиқаси ўз ривожига кечираётган жараёнлар ҳақида атрофлича маълумот олиш имконини беради. Шу билан бирга катта гала концерт бўлиб ўтади. Фестивалда Фарб мутахассислари, ЮНЕСКО-нинг Халқаро мусиқа кенгаши вакиллари ҳам қатнашади. Унда Шарқ мусиқий оламидаги жараёнлар атрофлича муҳокама этилади.

Мамлакатимизда бу улкан мусиқа байрамини юксак ва кўтаринки руҳда ўтказишга тайёргарлик ҳозирданёқ бошланиб кетди. Пойтахтимизнинг Аббор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театри биносида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу тадбирни ўтказиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди, фестивалнинг театрлаштирилган томошалари учун бадиий жамоалар томонидан тайёрланган дастурлар қўлдан ўтказилди.

Фестивалнинг театрлаштирилган мусиқий дастурига юртимиздаги энг фаол ижодий жамоалар жалб этилган. Унинг асосий тадбирлари ўтадиган Самарқанднинг Регистон майдонида сахна ва амфитеатр куриш, шаҳарни безаш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Саҳналарни безаш, замонавий овоз кучайтириш, ёритиш воситалари ўрнатилди. Кўҳна ёдгорликлар таъмирланиб, кўча ва хиёбонлар янада ободонлаштирилди. Шаҳар анжуман муносабати билан янада чирой очиб, ўзгача файзу тароват касб этади.

Анжуман доирасида ташкил этиладиган турли кўргазма, ярмаркаларда юртимиз фаровонлиги тимсоли — бой ноз-неъматлар, амалий санъат намуналари намойиш этилади. Байрамда жаҳоннинг қирқдан зиёд давлатидан таниқли мусиқачунослар, олимлар, санъаткорлар, жамоат арбоблари иштирок этиши кутилмоқда.

**Назокат Усмонова,
Ўза муҳбири**

Аждодларимиз Ватанга бўлган муҳаббатдан олий ва муқаддасроқ туйғуни билмаганлар. Уларнинг фикрича, Ватанга борини қурбон қилмоқ лозим. Чунки, Ватан шу даражада олий ҳимматки, тортиқларни фақатгина яна тарқатмоқ учун қабул айлайди, шу даражада оқ кўнглики, қулиб туриб яхшилик қилади, ноқибил фарзандларига жазо йўллаётганида эса гапга ботади.

Ватан дегани шудир. Унга бўлган муҳаббат яхши фазилатларни, яхши фазилатлар эса Ватанга бўлган муҳаббатни келтириб чиқаради.

Доғишмандлардан бири айтганидек: «Ватан шундай сирли сўзики, у ҳар қандай кишига довюрраклик ҳадея этиб, турли халқларнинг ҳақрамонларини буюқ жасоратлар сари етаклай олган».

Ватан сўзи доим шеърятни беэзаб, нотикларни руҳлантириб келган. Бобомиз Амир Темур ушбу сўзни шу даражада нозик деб билганики, юртининг манфаатлари ҳақида сўз юритганида айнан уни қўллашни жоиз деб топарди.

Юртимизга гоҳ юнон, гоҳ араб ва мўғул босқинчилари бостириб келганида, бир тарафдан қулар ва ёлланма ҳарбийларни жанг майдонига ҳайдаётган ҳукмдор овози, иккинчи томондан эса озод кишиларни руҳлантираётган «Ватан» сўзи эшитиларди. Амир Темур, Бобур, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Торобий ва Жалолиддин Мангуберди каби ҳаюртларимиз дунёдаги барча нарсалардан Ватани афзал деб билганлар. Улардан бири ёши етмишники қоралаб қолганиги ҳамда юртининг душмани унга бисёр илтифотлар ваъда қилганига қарамай қўлига тиг олиб «Ватан ёки шарафли ўлим», дея жанг майдонига отилади ва бу дунёдан шахид ўтади.

Миллат, Ватан гурури ва туйғуси до-

имо кишиларни меҳр-оқибат, адолат, иймон-этиқод ва жасоратга ундаб келган. Олмон файласуфи Ҳегел «Маърифатли халқларнинг ҳақиқий жасорати уларнинг Ватан йўлида қурбон бўлишга тайёр эканликларидан акс этишидадир», деб тўғри таъкидлаган.

Шарқда Ватан озодлиги учун курашган Тўмарис каби эрксевар, жасур малика ҳақидаги афсона ва ҳақиқатни уну-

қўшилиб кетган. Айниқса, миллат ва Ватанни деб ҳузур-ҳаловатдан воз кечган, эл-юрт дарди, халқ бахт-саодати йўлида жонларини аямаган буюқ ватандошларимизнинг ҳаётида биз учун ибрат ҳамда намуналар бисёр.

Баъзан нуруний ва оқоқол кишилар оғзидан «ористи кучли йигит» деган таърифни эшитиб қоламиз. Шу сўзининг маъносидан ҳам бутун халқ шаънига қўллаш мумкин бўлган тушунчалар ифодаланган. Ўзбек халқи киндик қони тўкилган жойни муқаддас санайди. Айрим сабаблар ёки тақдир тақозосига кўра бирон-бир ўзбек ўзга юртларга бориб қолгудек бўлса, у, албатта юртини соғиниб қўмсаиди ва тезроқ ота-онаси ҳамда биродарлари ёнига етиб олишга ошмакда.

Хорижда эл-юртдан жудодлик азобини тортган бир тўқсон ёшли нуруний «Ватан» деб туриб икки ракат намоз ўқиш, ўзим тўғилган тупроққа бошни қўйиб сажда қилиш менга насиб этармикан», деган орузи амалга ошмаслигига ақли етганидан сўнг жон таслим этиш олдиндан «Мени бир баланд жойга дафн этилгарки, Ватанимдан эсан шабада қабримга келиб турса», деб ваъда қилган экан.

Жаҳоннинг қайси бир чеккасига бориб қолсангиз, сиздан «Қаердансиз?» деб сўраганларидан фахр билан «Мен ўзбекман, мустақил Ўзбекистонданман» десангиз, қалбингиз фахрга тўлиб-тошади. Ўзбек учун, ўзбекистонлик учун дунёда бундан улуғ бахт ва гурур бўлмаса керак. Миллатнинг фахри, гурури ва Ватан туйғуси миллий мафкураимизнинг мазмун ва моҳиятини англаб етишда муҳим ўрин тутаяди.

**Дилноза АКБАРОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг 3-курс талабаси.**

ВАТАН ТУЙҒУСИ МУҚАДДАС

Мантиқдан хабардор бўлмаган нотик, маконларнинг фақатгина жойлашувини ўрганувчи географ ёхуд лугат бойлиги суст бўлган тилшунос Ватани фақатгина тугиши жойи билан боғласи мумкин. Аммо файласуф Ватан тушунчаси остида ота-она ва бола, оила, жамият, озод давлат каби тушунчаларни англай олади.

тиб бўлмайди. Тўмарис ўғли Спиранингизни ҳийла билан қўлга тушириб қотилига айланган қонхўр Эрон шоҳи Кир билан курашиб, уни енгган.

Шу ўринда қадимги Спарта аёлларининг жангга ҳайдаб кетаётган ўғилларига айтган сўзларини келтириб ўтиш жоиз: «Ўғлим қалқонинг билан ёки қалқонингга кел», яъни голиб бўлиб кел, гар енгилсанг ундан кўра ўлик кел. Яна бир она жангда оёғини йўқотиб келган ўғлига: «Кўй ачинма, ўғлим, ахир сен Ватанини ҳимоя қилганингни эсламай бирор бир қадам ҳам қўя олмайсан, яъни ҳар бир қадам ташлаганингда Ватанини мудофаа қилганингни ёдга олсан».

Миллий гурур ва Ватан туйғуси бизда халқимизнинг беғуборлиги, жасорати, саёр-бардоши, хушмуомаласи, иймон-этиқоди ва руҳий поклиги ўзаро

дошларча сўхбатлашиб, уларни қийнаётган муаммоларга, саволларга одилона ёндашиб жавоб бериш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шунингдек, «Киз бола — қизил гулulloла», у алоҳида эътибор ва ҳимояга, асосийси эса сирдош, дилдош инсонга таяниб ҳаёт оstonасига қадам қўйишни келажакда соғлом аёл, меҳрибон она, фаол жамият кишиси бўлиб етишиши кераклигини ҳам айтиб ўтди.

Ҳамза туман ҳоқими ўринбосари туман хотин-қизлар қўмитаси расисаси Гулрух Ўззамова, тарих фанлари номзоди Жамила Шермухамедова, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси раҳбар ўринбосари Зўҳра Убайдуллаевалар ҳам мулоҳазали ва мунозарали чиқишлари билан тадбирнинг мазмунли ва мароқли ўтишига ҳисса қўшдилар.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.
Ҳақимжон Солихов оғли сурат.**

Обод маҳаллада соғлом оила

Аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданий даражасини ошириш, оилада соғлом муҳитни ташкил этиш ва баркамол авлодни камол топтириш давлатимиз сийсатининг устувор йўналишларидан саналади.

Куни кеча Ҳамза туман ҳоқимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, 18-оилавий поликлиника раҳбарияти, туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорликда «Тарновбоши» маҳалласи гузаридида «Обод маҳаллада — соғлом оила» мавзусидаги тадбирни ташкил этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар оилаларнинг тиббий маданиятини янада ошириш, жамиятда ва оилада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аёлларнинг бугунги кундаги муаммолари, ўй-ташвишлари, қизларимизнинг кийиниш маданияти, тарбияси, ҳаёси-ю ибоси хусусида сўзладилар.

18-оилавий поликлиника бош шифокори Нигора Шермухамедова «Ҳаётнинг фариштаси — хонадон сариштаси» мавзусидаги чиқишда хусусан, қизларимизнинг соғлиғига эътиборни янада кучайтириш, балоғат ёшига етаётган ва оила оstonасига қадам қўяётган ёшларнинг ҳар бири билан чин кўнглидан сир-



• ТАЪЛИМ Келажакимиз эгалари қутланди

Мамлакатни юксалтирадиган, дунёга танитадиган нарсани унинг иктидорли, билимли ёшларидир. Шу боис бугун юртимизда ёшларга эътибор катта. Уларнинг жаҳон талабали даражасида билим олишлари учун қўллаб-қўллаган ишлар амалга оширилмоқда. Жамладан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида белгиланган бакалавр ва магистр йўналишларининг жорий қилиниши бунга мисол бўла олади.

Мана ун йилдирки, юртимиздаги кўплаб иктидорли ёшлар магистрик дипломларига эга бўлишмоқда. Айни кунларда барча олий ўқув юртурларида мутахассисликлар бўйича олий тоифадаги диплом бериш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Юртимиздаги нуфузли билим даргоҳи саналмиш Ўзбекистон Миллий университетидан ҳам магистрларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Бу йил университетда 78 соҳа бўйича 448 магистр тайёрланди. Улардан 32 нафари имтиёзли диплом соҳибларидир. Шунингдек, Англиянинг нуфузли Эксетер университетидан

таҳсил олиб келган 8 нафар талабага Эксетер университетини сертификатлари топширилди. Ушбу ажойиб тантана Миллий университетнинг 85 йиллик тўйига тўғри келганлиги талабаларнинг қувончига қувонч қўшди.

Битирувчиларни университет ректори академик Тўрабек Долимов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан Зоир Тошматов, бир гуруҳ дошлар, ота-оналар табриклашди ва келажакда ўз соҳалари бўйича илм чўққиларини забт этишларига ишонч билдиришди.

Гулгўна МАТКУРБОНОВА

ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Давлат тарихи музейида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида мустақилликнинг 12 йиллиги олдиндан «Мустақиллик сари мураккаб йўл» мавзусида тадбир ўтказилди.

— Ёшлар юрт келажакдир, — деди тадбирда сўзга чиққан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши бўлим бошлиғи Бегмат Очиллов. — Уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, маънавий баркамол, ўз она ватани тарихини мукамал биладиган инсонлар қилиб камол топтириш бугунги куннинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад мустақилликнинг асосий ғоявий тушунчаларини ёшларимиз қалбига сингдиришдир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир ёши мустақилликнинг моҳиятини англаши керак.

Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол буюқ неъмат эканлигини, уни асраб-авайлаб мустаҳкамлашни лозимлигини таъкидлаб, мустақилликка эришувга қадар босиб ўтилган машаққатли йўл, шу давр билан боғлиқ воқеалар ҳақида гапириб ўтдилар. Бундай тадбирлар ёшлар тарбиясида миллий онг, миллий гурурини шакллантириш, халқимизнинг бой маънавий мероси, асрлар оша янаб келаятган анъаналаримизни ҳизмат онгига сингдиришга ҳизмат қилади.

«Туркистон-пресс»

«Тошкент оқшоми»

**ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТХОНАСИ****Қонунга ҳурмат ва
Иттифоқчилик – ҳаёт мезони****(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар юзасидан 180 саволга 180 жавоб)****(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)****126. Қарз шартномаси билан боғлиқ муносабатлар юзасидан судга даъво билан мурожаат қилиш тартиби қандай?**

Қарз олувчи қарзни, қарз фоизларини қайтариш юзасидан зиммасига олган мажбуриятларини бажармаган ва шартнома-ни бошқача тарзда бузган тақдирда қарз берувчи судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли.

Даъво жавобгар, яъни қарз олувчи яшайдиган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга тақдим этилади. Даъво аризалари **Фуқаролик процессуал кодексининг 239-моддасига** биноан даъво ишлари юритиш тартибиде кўриб чиқилади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

- 1) ариза берилган суднинг номи;
- 2) даъвогарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи;
- 3) жавобгарнинг номи (фамилияси, исми ва отасининг исми) ва яшаш жойи; жавобгар ташкилот бўлганда эса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги;
- 4) даъвогарнинг талаби;
- 5) қарз суммаси, қарз юзасидан тўлаш лозим бўлган фоиз суммаси;
- 6) даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;
- 7) аризага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Даъво аризасига қарз шартномасининг нусхаси, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат, қарз берилганлиги ҳақидаги ҳужжат ёки унинг нусхаси, қарз олувчи қарз шартномаси шартларини лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги далиллар илова қилинади.

Шуни унутмаслик керакки, қарз олувчи у ёки бу суммадаги қарзи, шу қарз бўйича фоизлар ҳисобидан қарз берувчига пул қайтарганидан ундан (қарз берувчидан) бу пулни олганлиги тўғрисида тилхат олиши шарт. Бу ҳусусдаги тилхатнинг бўлмаслиги қарз олувчининг қарзини қайтариб берилганлиги фактини суд тартибиде исботлаш имкониятидан маҳрум этади. Чунки гувоҳларнинг бу борадаги кўрсатмалари далил ҳисобланмайди.

Қарз шартномаси ва қарз билан боғлиқ муносабатлар **Фуқаролик кодексининг 732 – 738-моддаларида** белгиланган қоидалар асосида тартибга солинади.

127. Қарзни ва қарз учун фоизларни ундириш тўғрисидаги даъво аризаларини тақдим этишда қанча миқдорда давлат божи тўланади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига кўра, давлат божи қарзни ундириш тўғрисидаги даъво баҳосига асосланган ҳолда, даъво баҳоси энг кам иш ҳақининг, хусусан:

- 20 бараваригача бўлса – 5 фоиз;
- 20 бараваридан 40 бараваригача бўлса – 10 фоиз;
- 40 бараваридан 80 бараваригача бўлса – 15 фоиз;
- 80 бараваридан ортиқ бўлса – 20 фоиз миқдориде тўланилиши лозим.

128. Суд давлат фойдасига ундириладиган суд харажатларини, шу жумладан давлат божини тўлаш юзасидан фуқароларга муайян имтиёзлар белгилаши ёки уларни бу харажатларни тўлашдан бутунлай озод қилиши мумкинми?

Фуқаролик процессуал кодексининг 110 ва 111-моддаларига мувофиқ фуқаронинг мулкӣ аҳволига қараб суд уни давлат божини (давлат даромадига ундириладиган суд харажатларини) тўлашдан озод этиши, бундай тўловни кечиктиришга ёки бўлиб-бўлиб тўлашга йўл қўйиши, шунингдек мазкур харажатларнинг миқдорини камайтириши, қолаверса **116-моддага** биноан суд харажатларини тарафлар ўртасида тақсимлаши мумкин. Фуқаро бу ҳақдаги ариза билан судга мурожаат этиши лозим.

129. Қарзни ундириш ҳақидаги суд қарорларининг ижроси қимга юклатилади ва у қандай тартибда ижро этилади?

Қарзни ундириш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори у қонуний кучга кирганидан сўнг, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳудудий бўлими суд ижрочилари туман ёки шаҳар бўлиминининг қарорини қабул қилиб олган суд ижросини томонидан суд ижро варақасига кўра ижро этилади. Ижро харажатлари **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»** қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

(Давоми бор)

Назм гулшани

ОНАМДАЙ
МЕХРИБОН
ШОПОЛМАСМАН

Гўдакман йиғлапман
Ҳеч ким овутолмайди.
Ҳатто қаттиқ овоз ҳам
Қулогимга ёқмайди.
Фақат онам алласин
Мазза қилиб тинглайман,
Ёлғиз онам бағрида
Тинч йиғламай ухлайман,
Меҳрлари бир дунё
Сўзлари ҳам мисли бол.
Менга берган оқ сути
Ўзлари каби ҳалол.
Илоҳий истеъдодни
Олдим қодир Эгамдан.
Ҳеч ким бермаган бахтни
Кўрдим фақат онамдан.
Бу дунёда онамдай
Меҳрибон тополмасман.

МАЛИКА

Менинг бир жияним бор
Унинг исми Малика.
Кичкиналар қатори,
У ҳам жуда шумтака.
Бир нарса сўрасанг гар
Барисин сўзлаб берар.
Ойна олдига туриб,
Сочини турмак қилар.
«Во ажабо» дейсиз сиз
Гар жияним кўрсангиз.
Бамисоли фаришта
Саранжому-саришта.
«Шоколад» деган бало
Йўлдан ургандир уни.
Шоколадни емаса,
Ухлалмай чиқар туни.
Таърифлаб бердим сизга
Жажжигина жияним.
Гар кўргани борсангиз
Аямайди саломин.
Кўлин кўксига қўйиб
Салом берар эғрилиб.
Дейди: «Қани шоколад!»
«Қиринг, бериб мармелад!»

Севара УСАНОВА

• ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ

Бадриддин Рихсиев Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 33-мактабда таълим олиб (аввалги 1-мактаб), Э. Халилов, Т. Сиддиқов, Х. Охунов, Ж. Қўрғонов, А. Аюпов ва бошқа устозларини эслаганда: «Мактабда ўқитувчиларнинг ўзлари илми бўлишлари билан бир қаторда, ўқувчиларда ҳам илмга, хунарга қизиқиш, ҳавас уйғотишлари ҳам ўзига хос маҳоратдир. Мен ўқиган бу мактаб битирувчиларидан ҳозирги кунда 10 дан ортиқ фан докторлари, 30 дан ортиқ фан номзодлари етишиб чиққанлигидан фахрланар экан бўлмайди. Синфимиздаги ўқувчиларнинг математика, физика фанларини ўрганишда «олдинлаб» кетишига сабабчи ҳам ўқитувчиларимиз бўлган. Шу сабабли мен ҳам математика фанига ихлос қўйганман», —



ман, устозларнинг хизматларини эсламай бўлмайди. Синфимиздаги ўқувчиларнинг математика, физика фанларини ўрганишда «олдинлаб» кетишига сабабчи ҳам ўқитувчиларимиз бўлган. Шу сабабли мен ҳам математика фанига ихлос қўйганман», —

**Ёшларнинг меҳрибон
устози**

Бадриддин мактабни тугатиб, 1970 йилда ҳозирги Миллий университетнинг математика факультетига ўқишга киради. Университетда Т. Саримсоқов, С. Сирожиддинов, Т. Жўраев, М. Са-лоҳитдинов, Н. Сатимов, Т. Азларов, Ш. Фармонов, Ж. Хожиев, М. Собиров, А. Саъдуллаев, М. Мирзаахмедов, А. Аъзамов, Х. Мансуров ва бошқа бир қатор йирик олимларнинг маърузаларини тинглаб, ўз билимини ошириб борди.

Унинг илмий изланишларининг бошланишига А. Аъзамовнинг тўғрақлардаги олиб борган машғулотлари сабаб бўлди.

1972 йилнинг кузида А. Аъзамов Бадриддинни Н. Сатимовнинг «Дифференциал ўйинлар ва оптимал бошқариш» мавзусида ўтказаятган семинарига олиб боради. Ушбу анжуманда қатнашиш унинг дифференциал ўйинларни оптимал бошқаришнинг назарияси билан шуғулланишига сабаб бўлди. Мазкур йўналишдаги биринчи илмий изланиш натижаси Бадриддин тўрттинчи курсда ўқиётганида Р. Айзекс томонидан қўйилган муаммоларидан бирини исботлаш бўлди. Шу йилнинг ўзида дифференциал ўйинлар наза-

риясига оид яна бир натижа-ни олди.

Б. Рихсиева машҳур математик Л. Понтрягин томонидан 1971 йилда қўйилган йўналиш бўйича илмий изланиш олиб бориб, 1974 йилда Л. Понтрягин теоремасининг шартини соддалаштириш борасида теореманинг зарурий ва етарли шартини исбот қилди. 1975 йилда Н. Сатимов билан ҳамкорликда Л. Понтрягин теоремасини умумлаштириб, унинг янги исботини топишди.

1978 йилда «Дифференциал ўйинларда учрашишдан четлаш назариясининг айрим масалалари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

У илмий изланишни давом эттириб, 1990 йилда «Дифференциал ўйинларни ечишнинг геометрик методлари» мавзусида докторлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилди.

Бадриддин Рихсиев нафақат назарий, балки кўпроқ амалий тадқиқотларга эътиборни қучайтирди. У биолог, химик ва технолог олимлар билан ҳамкорликда баъзи химик, биологик ва технологик жараёнларнинг математик моделлари ҳамда уларни бошқариш оптимал методларининг илмий асосла-

рини ўрганди. Бунинг натижаси сифатида бир қатор янги биокимёвий моддалар ишланди. «Ер малҳами» номи олан биоўғит шулар жумласидандир.

Бадриддинда устозларининг яхши удумларини сезиш осон. У иқтидорли ёшларни излаш, ўқитиш, тарбиялаш соҳасида яхши устоз, мураббий.

Ёш математикларнинг мактаб, туман, вилоят, республика олимпиадаларида ҳайъат аъзоси, ёзги мактабларда раҳбар ташкилотчи сифатида иштирок қилиб А. Нишонов, Ф. Ибрагимов, Ю. Зулфқоров, О. Қўқоров каби ёшларнинг илмга иштиёқини орттириб, докторлик ва номзодлик диссертацияларига илмий раҳбар бўлди.

Унинг 3 та монография, 1 та ўқув қўлланмаси ва 140 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилди.

Изланувчан, раҳбар ташкилотчи Бадриддин Рихсиевга келгусидаги эзгу ишларида омад ёр бўлишини тилаймиз.

Ақром АКМАЛОВ,
педагогика фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Спорт

Тобора қанот ёзмақда

Ўтган йили Осиё минтақаси ўйинлари таркибига кирган ўзбек кураши жаҳон узра қанот ёзмақда. Жанубий Америка китмасининг Аргентина, Бразилия, Чили, Эквадор, Парагвай давлатларида аллақачон тан олинган ва мусобақалар ўтказилаётган ўзбек кураши жорий йилдан Жанубий Америка ўйинлари таркибига кирганлиги Тошкент шаҳар спорт мутасаддиари полвонлар, кураш мураббийлари иштирокидаги матбуот анжуманида маълум қиллинди. Боливияда ўтадиган ўзбек кураши бўйича Осиё чемпионати мусобақаларига Ўзбекистон терма жамоасининг тайёргарлиги ҳам йиғилишда муҳокама этилди.

Кутилмаган мағлубият

Голландияда теннис бўйича аёллар ўртасида уюштирилган халқаро турнирда Ирода Ўлганова рақибларини мағлубиятга учратаётганда турнирнинг чорак финалида германиялик Ритнерга рўбарў келган Ирода кутилмаганда ўзидан анча кучсиз ҳисобланган спортчиға энгилиб мутахассислару муҳлисларни ҳайратга солди. Беллашув 2/6, 1/6 ҳисобида якунланди.

«Камолот» ташаббуси билан

Бектемир туманидаги «Миршкор» маҳалласида кўчма спорт ўйинлари ўтказилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан ташкил этилган мусобақаларда футбол, волейбол, баскетбол, энгил атлетика, кураш, бадминтон бўйича голиблик учун кескин кураш олиб борилди. Байрамона руҳда ўтган ушбу тадбир якунида голибларга эсдалик совғалари топширилди.

Голиблар аниқланди

Тошкент шаҳрида уч кун давом этган спортнинг боулинг тури бўйича Ўзбекистон чемпионати беллашувлари ниҳоясига етди. Эркаклар ва аёллар ўртасида уюштирилган ушбу турнир мамлакатимизда ҳам боулингга ёшлар орасида қизиқиш кучайиб бораётганлигини исботлади. Эркаклар ўртасидаги кескин, мурасасиз ва қизқарли кечган баҳсларда Сергей Салов биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Игорь Бондаренкоға иккинчи ўрин насиб этди. Қизлар мусобақасида эса биринчи ва иккинчи ўринларига Елена Кузнецова ҳамда Лора Маалаевалар сазовор бўлишди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

ШАХМАТ ТАРИХИДАН

Ижод меваси

XI-XII асрларда яшаган Абулфатҳ Аҳмаднинг ўзи жуда кучли ўйинчи бўлиши билан бирга, у ёзиб қолдирган шахмат рисоласи Ўрта Осиё халқларининг жаҳон шахмат маданиятига қўшган улкан ҳиссасидир.

Бу асарни атрофлича текшириб чиқиб, дунёга маълум қилган ўзбекистонлик тадқиқотчилар З. Хўжаев ва Ф. Дюмелларнинг хизмати бениҳоядир. Бу китоб асрлар давомида шохмот қўлланмаси бўлиб хизмат қилган. Мўғул истилочиларининг ваҳшийлиги Ўрта Осиё халқлари маданияти тараққиётини икки асрга тўхтатиб қўйди. XV-XVI асрларда шахмат санъати яна ривож топа бошлади. Амир Темур саройида яшаган Али Шатранний тенги йўқ амалий ўйинчи ва зўр назарийчи бўлган. У тузган мансубалар ўз шакли ва мазмунининг мослиги, нафислиги билан ўрта асрлар шахмат композициясида алоҳида ўрин тутди.

Ўрта денгиз бўйидаги бир неча мамлакатларни араблар босиб олгач, IX-XI асрлардан бошлаб Италия, Испанияда, аста-секин бошқа Европа шаҳарларида ҳам шахмат ўйнала бошланди. Фарбий Европада ҳам айрим Шарқ шахмат атамалари сақланиб қолган. Масалан, испанлар филни, алфил деб аташган. Қадимий қўлёмаларнинг тасдиқлашича, авваллари Шарқда XIII-XIV асрларга келиб эса Фарбда — Европада шох саройи ахллари — оқсуяклар ўқ-ёй отиш, қилич-бозлик, ов қилиш, шеър ёзиш ва ҳоказолар қаторида шахматни ҳам яхши биллишлари шарт эди.

XIV-XV асрларга келиб Фарбий Европада шахмат доналарининг номлари ва юришлари ўзгара бошлади, ўйин суръати кучайиб, унинг ички мазмуни бойи-

ди, фарзин ва фил хозиргидек узоққа юрадиган бўлди. Шатранж ўрнига аста-секин Европа шахмати кенг оммаллашиб кетди. Шахматнинг қадимги Русда бўлгани ҳақида ҳам қўпбал далиллар бор. Чунинчи, айрим тадқиқотчилар шахматни Россияга Кавказ орқали ўтган десалар, баъзилари Ўрта Осиёдан кириб келган дейишади. Бу масала узил-кесил ҳал қилинганича йўқ. Русда шахмат тахминан минг йилча аввал пайдо бўлган. Буни тасдиқловчи далиллар бор. Академик Орбелининг кўрсатишича, қадим замонларда Фарб мамлакатларида шахмат бой табақаларига мансуб ўйин бўлган бўлса, Шарқда аҳолининг ҳамма табақалари орасида бу гўзал ўйинни билганлар бўлган. X аср араб тарихчиси Масъуднинг маълумотларига қараганда Шарқда имконияти бор одамлар ўз уйларида тарбиячи сифатида кучли шахматчи сақлаганлар. Шахматнинг кашф этилиши ҳақида шуни айтиб ўтиш лозимки, асрлар давомида ўзгариб, такомиллашиб келган бу ўйин — халқ ижодининг мевасидир.


Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний замонида Ўрта Осиёда Абубакр ас Сули — ўз даврининг энг кучли шахмат устаси бўлган. Сервантес замонида Лопес деган испан зўр шахматчи деб тан олинган. Буюк Фирдавсий ўзининг «Шоҳнома»сида шахматга катта ўрин ажратган. Бунинг сабабини сўраганларида у: «Мақсад — шахматни қўйлаб, унинг гўзал поэзиясидан илҳомланиш,

лаззатланишидир» деб жавоб берган. Профессор Мейер «Шарқ шоирларининг шахматдан кучли бадийи восита сифатида фойдаланиш маҳорати Фарбда ўз таъсирини кўрсатди», деб ёзган эди. Озарбайжонлик машур сўз санъаткорларидан Афзаллиддин Ҳоконий (XI-XII асрлар) ҳам ўз асарларида шахматни улуғлаган ва нозик иборалар ёрдамида ундан баракали фойдаланган. Шахмат тахтасидаги кураш тасодифларга эмас, балки инсоннинг ақл-заковатиға асосланади деб ёзган эди у. Унинг шахматдан мантикий натижа чиқарган мана бу шеъри ҳам диққатга сазовордир.

**Бир вазир бўлиб эгри юрмоқдан,
Бир пиёда бўлиб тўғри юрган**
афзалдир.
**Анвар ИНОКОВ,
шахмат бўйича спорт усталлиғига номзод.**

МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КҮРИНГ

Оқлар бошлаб, бир нечта юришдан сўнг ютади.



Иссиқ келганда бозордаги гўштилارға ҳам ишониб бўлмайдими.

Абдурашул Ҳакимов чизган расми.

АЖОЙИБОТЛАР

БОШ ОФРИГИДАН ҚУТУЛАСИЗ

Мюнхен дорилфунуни профессори Райнер Пекконинг яратган курилмаси нафақат бош огригидан, ҳаттоки об-ҳаво ўзгаришидан, суякларингиз зиркирашидан ҳам сизни халос этади. Курилма чўзинчоқ тухум шаклида бўлиб унинг сирти тилла суви билан сайқаланган. У электромагнит майдонига эга. Шу сабабдан ҳам бош огригдан пайтда «олтин тухум»ни пешонага тутилса, бир зумда огриқ йўқолади.

ЧАРЧАСАНГИЗ АТИРГУЛ ҲИДЛАНГ

Токионинг «Касима» курилиш компанияси эндиликда одамлар ишлайдиган ҳар бир хонага компьютер орқали иқлимни мослаштириб оладиган қурилма ўрнатди. Бу қурилма вақтга қараб хона ҳарорати ва ҳидини ўзгартира олади. Масалан, эрталаб хоналарга лимон дарахтининг муаттар бўйини таратади. Бу ҳид одамларга тийрақлик бағишлайди, демек одам зўр иштиёқ билан ишлайди. Тушлиқда эса улар атиргул ҳидидан баҳраманд бўлишади. Мутахассисларнинг фикрига кўра атиргул бўйи чарчоқни таркатади.

ТУХУМДАГИ КУТУБХОНА

Британиялик заргар Пол Качински 6 минг соат астойдил меҳнат қилиб олтин тухум тайёрлади. Бу антиқа тухумнинг атрофи 20 минг донна кимматбахор рангли тошлар билан безатилиб, ичига бир неча кичик китобчалар жойлаштирилди. Китобчаларнинг варақлари махсус асбоб орқали варақланиб, ўқиш учун эса махсус лупадан фойдаланилади.

Дилобар ИСМОИЛОВА тайёрлади.

ПАЗАНДАЛИК

ПРАГА ТОРТИ

Тортни тайёрлаш учун тухум шакар билан оқаргунча кўпиртирилиб, ун, сметана (ёки қаймоқ) ва ярим банка қуюлтирилган сўт билан аралаштирилади. Какао кукунини ҳамда истеъмол содаси солинади. Бир стакан майдаланган ёнғоқ мағзи қўшилади. Ҳосил бўлган суюқ хамир охиёста қориштирилиб, қолиғи қўйилади ва газ печига қўйиб пиширилади. Пишган тайёр кулчалар иссиқликда эҳтиётлик билан тенг иккига бўлинади ва совутилади. Крем тайёрлаш учун ярим банка қуюлтирилган сўт 200 гр сарийё билан ранги оқаргунча обдон аралаштирилади. Тайёр крем ҳар бир кулчанин икки томонига ҳам суртилади ва улар устима-уст тахланади.

Торт тайёрлаш учун 2 та тухум, 1 стакан шакар, 1 стакан сметана, 3 стакан ун, ярим чой қошиқ истеъмол содаси, ярим банка қуюлтирилган сўт, 2 қошиқ какао кукунини керак бўлади.

БОДОМЛИ ПИРОЖНИЙ

10 та тайёрлаш учун 1 стакан ун, 9 та оқсил, 10 та тухум сариги, 1 стакан шакар ва ярим стакан туюлган бодом мағзи керак бўлади. Хамир қуйидагича қорилди: кастриюлкада тухум сариги шакар қўшиб ийлаб аралаштирилади. Бошқа идишда тухум оқиси билан чилчўп билан ийлаб, тургун кўпик ҳосил бўлгунча кўпиртирилади (кўпик чилчўпдан тушиб кетмайдиган бўлиши керак) ва тухум саригига қўшиб энгил аралаштирилади. Туйилган бодом мағзи қўшилган ун солинади ва ҳаммаси яна аралаштирилади. Тайёр хамир қолиғи эмас, балки тунука листга ёйиб солиб пиширилади, дуҳовкаға қўйиб олдиндан хамир устига туйилган бодом мағзи сепилади. Бисквит пишгандан кейин 10 та тенг қисмга пирожнийлар ҳолида кесилади ва пирожнийлар устига қанд упаси сепилади.

Кадрдонимиз Раҳимжон Содиқовға волидаи муҳтарамаси

САИДА ОНАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор қиламиз.

Дўстлари, қариндошлари

Яккасарой туман ҳоқимлиги ва «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими тумандаги «Бошлиқ» маҳалласининг собиқ оқсоқоли **Исмоил КҮРБОНОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таъзия изҳор этади.



**Бош муҳаррир
АкмаЛ АҚРОМОВ**

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳоқимлиғи

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
4204 нускада босилди. Қогоғи бичими А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума
кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмағида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича гузар жойларга почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханона. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.